2013 йил 13 декабрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 240 (12.551)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 декабрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяони дипломатик ваколат муддати тугагани муносабати билан қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари элчининг фаолиятини, бугун юксак даражада ривожланаётган Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини юқори баҳолади.

2012-2013 йилларда ўтказилган олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация имзоланди. Пекин ва Тошкентга амалга оширилган ташрифлар доирасида умумий қиймати 20 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қарийб 80 савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битимлар имзоланди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми юксак даражада ўсиб бормоқда. Жорий йил якунларига кўра, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 4,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Бугунги кунда хитойлик ишбилармонлар «Жиззах» махсус индустриал зонаси ва унга боғлиқ инфратузилмаларда, Юқори технологиялар саноат паркида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар, айниқса, олий таълим, фан ва технологиялар, соғлиқни сақлаш, санъат, туризм ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка юксак баҳо берилди.

Чжан Сяо самимий қабул ва ўз миссиясини бажариши давомида яратилган шарт-шароитлар учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди. Элчи мамлакатимизда ўтказган йиллари унинг ҳаётида энг ёрқин, унутилмас саҳифалар бўлиб қолишини, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, бу Ўзбекистон халқининг келажакка қатъий ишонч билан қарашига асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА)**

## «СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ МИЛЛАТ ДЕМАКДИР»

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллик байрами халқаро ҳамжамият вакиллари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги резидент-координатори Стефан Приснер давлатимиз ҳуқуқий ва демократик тараққиётида Асосий Қонунимизнинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.***

— Келгуси йилнинг Ўзбекистонда «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани БМТ нуқтаи назаридан ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир. Маълумки, Мингйиллик ривожланишнинг саккиз мақсадидан бири болалар саломатлиги ва улар муҳофазаси, шунингдек, болалар ўлимини камайтириш ҳисобланади. Бундан ташқари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ сингари тузилмаларимиз бевосита болалар масалалари билан шуғулланади.

Бу йўналишда мамлакатингизни қўллаб-қувватлаш ва Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилишига ҳисса қўшиш бизга мамнуният бағишлайди. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбари томонидан соғлом бола соғлом миллатнинг муҳим омили эканлиги ҳақида билдирилган фикрни тўла қўллаб-қувватлайман.

Кўпгина замонавий давлатларда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам Конституция миллатнинг олий қонуни ҳисобланади. У ҳокимият тармоқларининг фаолият кўрсатиши ҳамда барча соҳаларда ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Қайд этиш жоизки, Конституция асосий демократик тамойилларни, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди, тузилмавий бошқарув учун мувозанатни таъминлагани ҳолда, жамиятдаги турли манфаатлар ўртасида муросага эришиш учун майдон қолдиради. Асосий Қонун доимо муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг барча меъёрлари ҳаётга татбиқ этилишига эришиш лозимдир.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакатингизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида кўзда тутилган ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Биз Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос», дея айтган фикрларини юқори баҳолаймиз. Бу мамлакат тараққиётига чуқур ва асосланган тарзда қарашдан далолат берадики, унинг марказида ҳамиша фуқаро ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, бу ёндашувнинг ҳаётга татбиқ этилиши учун доимий ва давомли саъй-ҳаракатлар зарур эканлигининг эътирофи туради.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг яқинда тугалланган Универсал даврий шарҳ жараёнининг якунлари бўйича тавсиялар мамлакатнинг барча ислоҳотлар марказида инсон туради деган қарашни тўлдиради. Бу жараён доирасида мамлакат Конституцияга ҳамда юқорида зикр қилинган Концепцияга мувофиқ, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кун тартибини янада ривожлантириш бўйича тавсияларни қабул қилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу қутлуғ сана билан табриклар эканман, уларга мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик тилайман.

**«Жаҳон» АА**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 12 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг биринчи кунида сенаторлар тўққизта масалани кўриб чиқдилар. Уларнинг бештаси ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролар, шу жумладан болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, катта ижтимоий аҳамиятга эга бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси чоғида сенаторлар қабул қилинган қонунлар давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида баён этилган, жумладан, 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши муносабати билан белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини қайд этдилар.

Олий Мажлис Сенатининг Қарорида судланган аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини, шунингдек, бир қатор бошқа тоифаларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Бундан ташқари, Қарорда шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши татбиқ этилмайдиган шахслар тоифалари белгиланган.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши – муқаддам амнистия акти бўйича жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўллаш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**
**И.СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 12 декабрь.*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Янги йил байрами арафасида Фарғона вилоятининг шаҳарлари ва туман марказларида савдо ярмаркалари иш бошлади. Аҳолини сифатли ва арзон мева-сабзавот, полиз, гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган савдо ярмаркаларида вилоят фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Айниқса, ярмаркаларда терминаллар ўрнатилгани барчага манзур бўлмоқда.**

**● Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги «Шермуҳаммад бобо» фермер хўжалиги яратилаётган имтиёз ва қулайликлардан унумли фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган замонавий омборхона барпо этди. Бунинг учун тижорат банкининг имтиёзли кредит маблағи қўл келди. 600 тонна мева-сабзавотни сақлаш қувватига эга ушбу омборхона хориж технологияси билан жиҳозланди.**

**● Навоий шаҳрида кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 80 нафардан зиёд спортчи ўзаро беллашди. Умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти вакиллари ғолибликни қўлга киритди.**

**● Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 2,5 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилган ушбу замонавий масканда мусиқа ва санъатнинг саккиз йўналиши бўйича сабоқ берилмоқда.**

**● Китоб туманида тикувчилик йўналишида умумий қиймати 285 минг АҚШ долларига тенг иккита лойиҳа рўёбга чиқарилди. «Китоб ип-йигирув» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда «Атланта Сити» хусусий корхонасида амалга оширилган мазкур лойиҳаларнинг йиллик қуввати 118 минг дона маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган.**

### ЖАҲОНДА

**● Шарқий Африка ҳамжамияти таркибига кирувчи Бурунди, Кения, Руанда, Танзания ва Уганда каби бешта мамлакат президентлари Уганда пойтахти Кампала шаҳрида учрашиб, ягона валютани жорий этиш тўғрисида битим имзолашди. Ушбу битим ўн йил давомида ҳаётга татбиқ этилади.**

**● Индонезияда темир йўл кесишмасида йўловчи поездининг ёқилғи ташувчи автоцистерна билан тўқнашиб кетиши оқибатида етти киши ҳалок бўлган, 20 нафардан зиёд одам тан жароҳати олган. Тўқнашув натижасида поезднинг иккита вагонининг издан чиқиб кетиши ва уларда ёнгин юз бериши кўплаб йўловчиларнинг куйишига сабаб бўлган. Дастлабки тахминларга кўра, ушбу фалокатга юк машинасининг поезд келаётган йўлга чиқиб қолгани сабаб бўлган.**

**● АҚШнинг икки авиакомпанияси — «American Airlines» ва «US Airways» бирлашди. Энди у — «American Airlines» номи остида фаолият олиб боради. Янги ташкил этилган «American Airlines» авиакомпанияси кунига дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатига 330 та рейсни амалга оширади.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Сенат ўзининг Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўлланиш тартибини белгилаган бўлиб, унда амнистия бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомили белгиланган. Шу билан бирга сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, шунингдек, уни ижро этиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлашда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар. Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлиги стратегик аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. 2014 йил Давлат бюджети Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакат Ҳукуматининг жорий йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг асосий устувор вазифаларини рўёбга чиқаришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Сенаторларнинг фикрича, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини кўпайтириш ва уни мустаҳкамлаш, солиқ солиш объектларини камайтириб кўрсатиш ва яшириш фактларининг олдини олишга қаратилган солиқ маъмуриятчилиги чораларини кучайтириш солиқ сиёсати соҳасидаги асосий устувор йўналишлар бўлиб қолмоқда.

Солиқ юкини янада қисқартириш бўйича энг муҳим чора-тадбирлар сифатида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга тушириш назарда тутилмоқда. Натижада юридик шахслар ихтиёрида қўшимча 130 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ қолади. Бундан ташқари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича даромад солиғи солиш шкаласининг энг кам ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизгача пасайтириб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобидан бир фоиз миқдоридаги маблағларни фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиш тартибини сақлаб қолиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама асносида сенаторлар алоҳида таъкидлаганларидек, мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатларни кўпайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва спортни молиялаштиришни, шу жумладан олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория биноларини, спорт залларини ва талабалар ётоқхоналарини қуришни, реконструкция қилишни, мукаммал таъмирлашни ва жиҳозлашни молиялашни кўпайтиришга йўналтирилган. Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга, шу жумладан қишлоқ жойларда барпо этилаётган янги турар-жой массивлари учун автомобиль йўллари, сув таъминоти объектларини ва бошқа ижтимоий объектлар қуришга зарур маблағлар йўналтирилади.

Сенаторларнинг чиқишларида солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, 2014 йилги Давлат бюджетининг параметрлари умуман мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг стратегик дастурига мос эканлиги алоҳида таъкидланди. Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолишга, саноат тармоқларини, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича фаол инвестиция сиёсатини давом эттиришга, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Сенаторлар 2014 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини ижро этиш юзасидан, шунингдек, бир қатор қонун ҳужжатларининг нормаларини бир хил қўлланиш учун уларни аниқлаштириш мақсадида тайёрланган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар қайд этганларидек, Қонун хўжалик юритувчи субъектлар ва бутун иқтисодиёт зиммасига тушадиган солиқ юкини янада камайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашга ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар ҳудудларнинг ва иқтисодиёт тармоқларининг имкониятларини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан демографик омилларни ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланиш, бандликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш, фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Дастур Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, меҳнат бозорининг ҳозирги ва келгусидаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига, аҳоли бандлиги, тегишли мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш соҳасидаги давлат сиёсатининг принципларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

Дастурда янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, қишлоқ жойларда хусусий уй-жойлар қуришни ҳамда қурилишда пудрат ишларини ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқариш, фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, аҳолини инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда ободонлаштириш ишларига жалб этиш, ташкил этилаётган иш ўринларининг сақланиб қолишини ва барқарор ишлашини таъминлаш, хотин-қизларни, ногиронларни ва бошқа аҳоли тоифаларини, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожларни ишга жойлаштириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликнинг, ҳунармандчилик, хизматлар ва сервис соҳасининг ривожланишини янада рағбатлантириш, касаначиликни кучайтириб бориш ва бошқалар ҳисобига 2014 йилда 983,6 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор берилади. 2014 йилда Дастур параметрларига мувофиқ ташкил этиладиган янги иш ўринларига, шунингдек, мавжуд бўлган ва заҳира қилинган иш ўринларига касб-ҳунар коллежларининг қарийб 500 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Мажлисда қайд этилганидек, Бюджет кодекси тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун ҳужжати эканлиги, у қонунчилик базасининг ва уни ҳуқуқий қўллаш тизимининг ягоналигини таъминлаши кўрсатиб ўтилди.



Бюджет кодекси бутун бюджет жараёнини (Давлат бюджетини шакллантириш, тасдиқлаш, ижро этишни ҳамда назоратни таъминлашни) ягона ва яхлит қонун ҳужжатида тизимлаштиришни, Давлат бюджетини ҳам, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларни ҳам тартибга солишнинг ягона принципларини қўлланишни, бюджет жараёни барча қатнашчиларининг ваколатларини ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмларини белгилашни, шунингдек, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириб, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар манбаларини мустаҳкамлаб қўйишни, барча даражалардаги бюджетлар ўртасида ваколатларни тақсимлашни ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутади.

Кодексда амалга ошириш манбалари ва механизми тўғридан-тўғри Давлат бюджети билан боғлиқ бўлган бир қатор қўшимча фаолият йўналишлари ва соҳалари, шу жумладан грантлар ва техник ҳамкорлик маблағларини жалб этиш, улардан фойдаланишни мониторинг ва назорат қилиш тартиби, давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш ва давлат харидларини амалга ошириш тартиби, молиявий назоратни, шунингдек, давлат молияси тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш механизми белгиланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, Бюджет кодексининг қабул қилиниши амалдаги Солиқ кодекси билан биргаликда давлат молиясининг ягона бирхиллаштирилган, халқаро стандартларга мос бўлган қонунчилик базасини шакллантиришга, бюджет соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тизимлаштиришга, шунингдек, бюджет жараёнининг ҳамма босқич ва даражаларида ягона ҳуқуқий нормалар ва ёндашувлар қўлланилишини, мамлакат бюджет тизимининг очиқ-ошкоралигини ва барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларнинг айрим нормаларини Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мослаштириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, шунингдек, айрим қонун ҳужжатлари, шу жумладан «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонунлар ўз кучини йўқотган деб топилмоқда.

Сўнгра сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган бир гуруҳ депутатлари томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, муҳокама қилишда кенг жамоатчилик иштирок этган ушбу Қонунда экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва иштирокчилари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтларига (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ) атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, атроф-муҳитнинг ҳолатини кузатиш ва бошқа масалаларда иштирок этиш борасида ваколатлар берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши экологик назоратнинг самарадорлигини оширишга, давлат муассасалари, фуқаролик институтларининг бу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга, шунингдек, таъсирчан экологик назоратни амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини бажаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТ ролини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сенаторлар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини ижро этиш юзасидан ишлаб чиқилган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этилганидек, ўтган даврда мамлакатимизда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг, шу жумладан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали, кўп босқичли тизими яратилди, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилмоқда. Ижтимоий жиҳатдан хавфли ҳолатга тушиб қолган болаларни аниқлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, судларда ва бошқа муассасаларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ишлари йўлга қўйилди. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база яратилди ва у ривожланиб бормоқда.

Сенаторларнинг фикрича, бу соҳада амал қилиб турган қонун ҳужжатларининг қоидаларини бирлаштирадиган ягона, махсус қонуннинг қабул қилиниши васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг, энг аввало етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

**Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат**

---

## Тадбирлар

# МАДҲИЯМИЗ — ФАХРИМИЗ

***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-сонли академик лицейида шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан «Мадҳиямиз фахримиз» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.***

— «Мадҳиямиз — фахримиз» шиори остидаги бундай тадбирлар туманимизда жойлашган барча олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ўтказиб келинмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими бошлиғи Баҳодир Юсупов. — Бундан мақсад мадҳиямизнинг кишига қанчалик ғурур-ифтихор бахшида этиши ва шу ўринда Конституциямизда мустаҳкамланган моддаларнинг мазмун-моҳиятини келажак ёшларнинг руҳиятига чуқур сингдиришдир.

Тадбирда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари Масрур Усмонов ҳамда Хуршид Эшонхўжаевлар дилтортар куй-қўшиқлари билан барчага хуш кайфият улашишди.

**Зафар НАЗАРОВ**

# БИТИРУВЧИЛАР ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

***Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида «Коллеж битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш» мавзусида тадбир ташкил этилди.***

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳар Адлия, Божхона, Статистика бошқармалари, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси вакиллари, Яккасарой туман солиқ инспекцияси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутахассислари ҳамда коллежнинг юқори курс талабалари иштирок этди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиз ривожланишининг асосий омили бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда етакчи кучга айлангани ўз исботини топмоқда. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ўз бизнес фаолиятини бошлашига яқиндан ёрдам бериш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Уларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, божхона, солиқ ва бошқа бир қатор мажбурий тўловларни тўлашда кенг имкониятлар берилган.

Семинардан кўзланган мақсад ҳам давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган тадбиркорликка оид ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан ёшларни таништириш, улар билан эркин фикр алмашиш, тадбиркорлик ҳақида маълумот бериш ҳамда ушбу соҳага кенг жалб қилишдан иборат.

– Тадбиркорликка бўлган қизиқишим ушбу тадбирдан сўнг янада ортди, – дейди коллеж битирувчиларидан бири Азамат Назаров. – Ўз бизнес фаолиятимни бошлаш ҳақида жуда кўп ўйлардиму юрагим дов бермасди. Семинарда иштирок этган мутасадди соҳа вакилларининг маърузаларидан сўнг ёш тадбиркорлар учун кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратилганлигини билиб олдим. Энди бизнес режамни ишлаб чиқиш ҳамда банкдан кредит олиб, иш бошлашга ҳаракат қиламан.

Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишларининг ортишига ҳамда аҳоли фаровонлигининг ошишида ижобий самара беради.

**Абдуалим САЛИМОВ**

## Таълим

# ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

***Тошкент Молия институтида бўлиб ўтган тадбирда талабалар, ўқитувчилар, тадбиркорлар ҳамда банк соҳаси вакиллари иштирок этишди.***

Тошкент молия институти ҳамда Республика Марказий банки ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбир жамият тараққиётида тадбиркорларнинг роли ҳамда банкларнинг аҳамиятига бағишланди.

Тадбир қатнашчилари банк соҳаси ривожида ҳуқуқий саводхонликнинг муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда талаба-ёшларнинг ушбу соҳа бўйича қабул қилинган қонун ва қарорларни пухта ўрганишларига имкон яратиш зарур эканлигини яна бир карра эътироф этишди.

Шунингдек, банк соҳаси ва институт маъмурияти ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим эканлиги тадбир қатнашчилари томонидан таъкидлаб ўтилди. Ушбу ҳамкорлик натижасида институтнинг битирувчи талабалари банкларда ўқув амалиётини ўтказадилар, иш фаолиятларини бошлайдилар, тадбиркорлик сирларини пухта ўрганадилар.

Якунда қатнашчилар томонидан ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш режалари белгилаб олинди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

---

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.***

## 2014 йил — Соғлом бола йили

# УЛКАН ШАРАФ ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» маърузасини катта қувонч ва қизиқиш билан ўқидим. Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши замирида, аввало, ёш авлод камолотига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

Мен ҳам ана шундай юксак эътибор оғушида камол топдим. Болалигимдан спортга меҳр қўйиб, шахматни қунт билан ўргандим ва халқаро гроссмейстер даражасига эришдим. Давлатимиз раҳбари камтарона меҳнатим ва ютуқларимни юксак қадрлаб, замонавий компьютер совға қилди. Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шараф ва бундай бахт менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман.

Мамлакатимиз ёшлари эришаётган улкан ютуқларнинг боиси, сабаблари нимада?

Албатта, бунинг учун инсонда истеъдод ва ҳаракат бўлиши керак. Лекин зарур шарт-шароит, эътибор ва рағбат бўлмаса, ҳар қандай ҳаракат бесамар кетади.

Шу маънода, мен ҳам ўз ютуқларимни, аввало, Ватанимиз мустақиллиги, мамлакатимизда ёшлар учун яратилган кенг шароит ва имкониятлар самараси, деб биламан. Юртимиз мустақил бўлмаганида ёшларимиз бугунгидек улкан муваффақиятларга эриша олармиди? Фарғона вилоятининг олис қишлоғида туғилиб ўсган мендек оддий бир қиз жаҳон шахмат юлдузларига қарши дона сурармиди? Йўқ, албатта!

Президентимизнинг жорий йил 3 декабрда қабул қилинган фармонига мувофиқ турли соҳаларда юқори натижаларга эришаётган бир гуруҳ ёшларнинг Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши уларнинг камолотига қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ана шундай бахтиёр ёшлар қаторида «Ўзбекистон ифтихори» унвони билан тақдирланганимдан бошим осмонга етди. Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган бундай улкан ғамхўрлиги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Айни пайтда зиммамизга юксак масъулият ҳам юклайди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида Соғлом бола йилининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларда, айниқса, қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлади.

Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган, қизларни спортга жалб этиш борасида алоҳида эътибор ва ёндашув шаклланган. Спортнинг қизларимизга мос турлари муттасил ривожланмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос спорт либослари ишлаб чиқарилмоқда. Олий таълим муассасаларида аёл мураббиялар ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалашишида, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда.

Спорт машғулотлари организмнинг таянч-ҳаракат тизимини яхшилайди, тананинг мутаносиб ривожланишига хизмат қилади. Эпчил ва чаққон бўлишга, фикрни жамлашга ўргатади. Шу жиҳатдан, спорт қизлар учун жуда фойдалидир.

Мен ҳам спортчи сифатида Ватанимиз шарафини янада улуғлашни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга янада фаолроқ ҳисса қўшишни ният қилганман. Биз, ўзбек ёшлари ҳар қандай соҳада энг юқори марраларни забт этишга қодирмиз. Бунинг учун мамлакатимизда барча имконият, шароит, энг муҳими, ёшларни ўз фарзанди каби самимий яхши кўрадиган, ҳар доим, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган Президентимиз бор.

**Нафиса МЎМИНОВА,**
**«Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳибаси,**
**шахмат бўйича Ўзбекистон**
**миллий терма жамоаси аъзоси**
**(ЎзА)**

